

## **Илмий-тадқиқот ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш секторининг 2017 йил январь ойидаги ижобий ишлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлигига институтда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар берилди, ушбу маълумотлар “Тошкент оқшоми” рўзномасининг 2017 йил 18 январдаги 12-сонида чоп этилган “Маҳаллий хомашёдан сифатли дори воситалари” номли мақолада ўз аксини топди.
2. Давлат статистика кўмитасига институтда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар ва мустақил изланувчилар ҳақида маълумотлар берилди.
3. Қуйидаги анжуман таклифномалари кафедраларга тақдим этилди:
  - 2017 йил 10-13 апрель кунлари Москва шаҳридаги Халқаро савдо-сотиқ марказида бўлиб ўтадиган “Человек и лекарство” XXIV Россия миллий конгресси;
  - 2017 йил 20 январь куни Киевда бўлиб ўтган “Наука в современном мире” XVI Халқаро илмий конференция;
  - 2017 йил 22 январь куни АҚШнинг Бостон шаҳрида бўлиб ўтган “International Scientific Review of the Problems and Prospects of Modern Science and Education” XXIX Халқаро илмий-амалий конференция;
  - 2017 йил 17 январь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Современные инновации: теоретический и практический взгляд” VII Халқаро илмий-амалий конференция;
  - 2017 йилнинг 13 январь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Научные исследования: ключевые проблемы третьего тысячелетия” XII Халқаро илмий-амалий конференция;
  - 2017 йилнинг 30-31 март кунлари Украинанинг Харьков шаҳрида бўлиб ўтадиган “Лекарства – человеку. Современные проблемы фармакотерапии и назначения лекарственных средств” I Халқаро илмий-амалий конференция;
  - 2017 йилнинг 3-4 март кунлари Харьков шаҳрида бўлиб ўтадиган “Современные аспекты создания экстенпоральных алопатических, гомеопатических и косметических лекарственных средств” I Халқаро илмий-амалий интернет конференция;
  - 2017 йил 27 апрель кунлари Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ўтказилаётган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давр талаби” номли конференция.

4. Мустақил изланувчилар Султонова Р.Х., Сидаметова З.Э. ва Зиямухамедова М.М. ларга инглиз тили ва “Ўзбекистон энг янги тарихи” дан малакавий имтихон топшириш учун йўлланмалар берилди.
5. Ўзбекистон Республикаси ВМ 2017 йил 6 январда бўлиб ўтган “Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплекси” мажлисининг баёни ижросини таъминлаш бўйича ССВ нинг назорат режасида кўрсатилган бандларга мувофиқ катта илмий ходим изланувчи институти самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.
6. Институт веб-сайтини юритиш фаолиятини сифат жихатидан яхшилаш мақсадида тадқиқотчилар ва илмий бўлимга оид маълумотлар банки янгиланди (Тошфарми ректорининг 10 сон 7.01.17 йил буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида)
7. ЎзР ФА академиги С.Искандаровнинг илмий салоҳияти ва бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсадида институтга бириктириш механизми ва олиб бориладиган иш режаси ишлаб чиқилди ва ССВ ҳамда ОЎМТВ га тақдим этилди.

Илмий-тадқиқот ва илмий – педагог кадрлар  
тайёрлаш сектори мудири

Н.Т.Фарманова